

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯНИНГ  
3249-сонли А Ж Р И М И**

2026 йил 15 январь куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси судлов ҳайъати, ўз биносида, ёпиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: М.Юсупов,

ҳайъат судьялари: А.Шамсутдинова ва Ш.Шерматовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Сулаймоновнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Ж.Козимов, судланган Э.Ф.Бнинг ҳимоячиси адвокат Ф.Дўстмуродовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2025 йил 24 февралдаги ҳукмига кўра,

**Э.Ф.Б**, 1980 йил 01 май куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “Yassaviy Al-Xorazmiy Kommunalchi” ХУЖМШ ижрочи директори лавозимида ишлаган, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Ободон МФЙ, Қ.Абдулла кўчаси, 14-уйда яшаган, эҳтиёт чораси сифатида “қамоққа олиш” қўлланилиб, 2024 йил 26 ноябрдан ҳибсда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан адвокат Ф.Дўстмуродов томонидан келтирилган кассация шикоятига асосан 1-1006-2401/1247-сонли жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Суднинг ҳукмига кўра, Э.Ф.Бга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 1-қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Э.Ф.Бнинг 2024 йил 26 ноябрдан 2025 йил 24 февралга қадар ҳибсда сақланган муддати тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 1 йил 9 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилган.



Э.Ғ.Бга озодликни чеклашнинг дастлабки 6 оyi давомида жиноят оқибатида етказилган 88.305.176,30 сўм моддий зарарни қоплаш мажбуриятлари юклатилган.

Э.Ғ.Бга нисбатан танланган “қамоқда сақлаш” эҳтиёт чораси “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, суд залидан қамоқдан озод қилинган.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Э.Ғ.Бдан “Yassaviy Al-Xorazmiy kommunalchi” ХУЖМШ фойдасига 88.305.176,30 сўм моддий зарар ундирилиши белгиланган.

Ашөвий далил деб эътироф этилган “Yassaviy Al-Xorazmiy kommunalchi” ХУЖМШ бир дона муҳр ва бир дона штамп, ширкат молия-хўжалик фаолиятига оид тўрт дона китоб, 11 жилдда ҳужжатлар ширкат бошқарув раисига қайтарилиши, бир дона уяли телефон аппарати Э.Ғ.Бга қайтарилиши, CD диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш учун қолдирилиши белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, Э.Ғ.Б 2021 йилдан Чилонзор тумани “Ал-Хоразмий” МФЙ, Алгоритм Г35-мавзеси, 12-уй юридик манзили бўйича давлат рўйхатидан ўтказилган, ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ фаолияти махсус тартибга солинган Чилонзор тумани “Ал-Хоразмий” МФЙ Алгоритм Г35-мавзесидаги 10, 11, 12 ва 13-кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи “Yassaviy Al-Xorazmiy kommunalchi” ХУЖМШ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган мансаб мавқеидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси “ХУЖМШ тўғрисида”ги Қонуни 4-моддаси, яъни бошқарув мулкдорлар олдидаги ҳисобдорлиги тамойили асосида олиб борилиши, 16-моддасига кўра умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатлар умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш, шунингдек кўп квартирали уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш билан боғлиқ харажатлардан иборатлиги, 45-моддасига кўра ширкат бошқаруви ширкат аъзолари олдида ширкат маблағларидан умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш учун белгиланган мақсадда фойдаланилиши учун жавобгарлигини била туриб, 2021 йил 01 январдан 2024 йил 15 июлга қадар мулкдорлар томонидан аъзолик бадали сифатида 581.513.361 сўмни нақд пул шаклида мулкдорлардан қабул қилиб олиб, бу ҳақда тўловларни қайд қилиш китобларига ёзувлар киритиб, тўлов ҳужжатлари ва ҳисоботларни расмийлаштириб, бироқ ушбу пул маблағларини ширкат ҳисоб-рақамига кирим қилмасдан, турли ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларига сарфлаб ва ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштирмагани оқибатида, уй-жой мулкдорларига, жами 88.305.176,30 сўм миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Адвокат Ф.Дўстмуродов кассация шикоятда Э.Ғ.Бдан ундирув белгиланиши асоссиз бўлганлиги, айнан ҳукмда кўрсатилган



маблағлар мақсадли сарфланганлиги, Э.Ғ.Бнинг ҳаракатларида жиноят йўқлигини билдириб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Кассация инстанция суди, иш бўйича судья М.Юсуповнинг маърузасини, прокурор Ж.Козимовнинг шикоятни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланган Э.Ғ.Бнинг ҳимоячиси адвокат Ф.Дўстмуродовнинг суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги фикрини тинглаб, протестдаги важларни текшириб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, қуйидагиларга асосан ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди, иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ, жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослангандир.

Судланган Э.Ғ.Бнинг айби, текшириш далолатномаси, ҳужжатли тафтиш далолатномаси, қайта ҳужжатли тафтиш хулосаси, банк айланма маблағлари ҳақида маълумот ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати адвокат Ф.Дўстмуродовнинг Э.Ғ.Б томонидан зарар етказилмаганлиги, аксинча барча маблағларга маҳаллада ободонлаштириш ва бошқа ишларга мақсадли сарфланганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Хусусан, жиноят иши биринчи инстанция судида кўрилиши жараёнида судланувчи томонидан маблағлар сарфланиши бўйича ишлар бажарилганлиги ҳақидаги важларни текшириш учун қайта ҳисоб-китоб ўтказилган.

Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан 11.02.2025 йилдаги “Yassaviy Al-Xorazmiy kommunalchi” ХУЖМШнинг маъловий фаолияти судга тақдим этилган ҳужжатлар асосида ўрганилиб, 2021 йил 01 январдан 2024 йил 15 июлга қадар мулкдорлардан аъзолик бадали сифатида 581.513.361 сўм нақд пул шаклида қабул қилиниб, бу ҳақда тўловларни қайд қилиш китобларига ёзувлар киритилган, бироқ ушбу пул маблағларини ширкат ҳисоб-рақамига кирим қилинмасдан, турли ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларига сарфлаб ва ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштирмагани оқибатида, уй-жой мулкдорларига жами 88.305.176,30 сўм миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлганлиги аниқланган.

Ушбу ҳужжатли ўрганишда адвокат Ф.Дўстмуродов ҳам иштирок этган.

Шу боис, биринчи инстанция томонидан Э.Ғ.Бнинг ҳаракатлари



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандидан ЖКнинг 192<sup>11</sup>-моддаси 1-қисмига қайта малакаланиб, асосли хулосага келинган.

Биринчи инстанция суди Э.Ғ.Бга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55 ва 56-моддалари талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, унинг оилавий шароитини, ёшини, шахсини инobatга олиб, модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509<sup>9</sup>, 509<sup>10</sup>-моддаларига амал қилиб, кассация инстанция суди

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2025 йил 24 февралдаги Э.Ғ.Бга нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510-моддаси тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**  
**Ҳайъат судьялари:**

**(имзо)**  
**(имзо)**  
**(имзо)**

**М.Юсупов**  
**А.Шамсутдинова**  
**Ш.Шерматов**

**Аслига тўғри;**

